



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI  
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»  
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Хоразм вилояти

Xorazm viloyati 220100, Urganch shahar, P.Maxmud ko'chasi,46 uy. Tel: +998904387766, E-mail:  
irada13@inbox.ru, www.ekspertiza.mc.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: Bekchanova Nellya Axatovna

Sana:19-05-2022 yil



**Yig'ma ekspert xulosasi № 42742**

**Obyekt nomi** « «Xorazm viloyati Yangiariq tuman XTBga qarashli 37-son maktab vorkauntini joriy ta'mirlash» loyihaning smeta qismi bo'yicha »

**Buyurtmachi** - Yangiariq tuman 37-son maktab

**Bosh loyihachi** - «BGM Bunyodbek» MChJ

**Litsenziya** 10.11.2020 yildagi AL-001467-sonli litsenziya

**Moliyalashtirish manbai** - budget

**Bosh pudratchi** - tanlov savdolari natijasida

**Qurilish turi** joriy tamirlash

**Murojaat raqami:** № 42182

**1. Loyihalash uchun asos**

1.1. Loyiha topshirig'i, nuqsonlar dalolatnomasi.

**2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

2.1. Smeta xujjati, narxlar kelishuvi bayonnomasi, nuqsonlar dalolatnomasi.

**3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni**

Smeta xujjatlariga asosan quyidagi ishlar bajariladi: maktab vorkauntini joriy ta'mirlash.

Ob'ektning joriy narxlardagi narxi R.Uz qurilish sanoati (Toshkent-2021 yilning 4-choragi) foydalanadigan moddiy-texnik resurslarning joriy narxlar Katalogi, birja bahosi va bozor sharoitlari, baholar kelishish bayonnomasi yordamida resurs usuli bilan aniqlanadi.

Buyurtmachining 17.05.2022 yildagi 238-sonli xatiga ko'ra ob'ektning taxminiy narxini aniqlashda quyidagi narx parametrlari qabul qilingan:

- o'rtacha soatlik ish haqi miqdori - 17921,03so'm kishi/soat (shu jumladan, ijtimoiy sug'urta bo'yicha chegirmalar - 12%);

- pudratchining boshqa xarajatlari - 15,51%;

- buyurtmachi boshqa xarajatlari - 5%;

- ob'ektning sug'urta qilish xarajatlari - 0,32%;

- tavakkalchilik koeffitsienti - 1,0.

#### **4. Loyihalana yotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:**

#### **5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.**

Smeta xujjatlari buyurtmachi bilan kelishildi.

#### **6. Ekspertiza natijalari.**

1 Shartnoma bo'yicha import texnologik uskunalarni sotib olish va yetkazib berish xarajatlari va u bilan bog'liq xarajatlar ekspertizadan o'tkazilmaydi.

2. Ekspertiza jarayonida mahalliy ekspert xulosalarining izohlariga muvofiq ishchi loyihasiga quyidagi asosiy tuzatishlar va qo'shimchalar kiritildi.

Ekspert tekshiruv natijalariga ko'ra ob'ektning umumiy qiymati QQS (qo'shimcha qiymat solig'i) va buyurtmachining boshqa xarajatlari bilan 51941,511 ming.so'm miqdorida e'lon qilingan ishlar qiymati 1813,589 ming.so'm ga kamaytirilib, 50127,922 ming.so'm qilib belgilandi, shu jumladan:

- qurilish materiallari	- 805,758 ming.so'm.
- ish xaqi	- 510,239 ming.so'm.
- mashina va mexanizmlar	- 4,288 ming.so'm (ko'paydi).
- pudratchining boshqa xarajatlari	- 203,446 ming.so'm.
- buyurtmachining boshqa xarajatlari	- 65,585 ming.so'm.
- ob'ekt sug'urtasi	- 4,848 ming.so'm.
- QQS	- 228,000 ming.so'm.

3. Yakuniy harajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugagandan so'ng, haqiqiy (ijro hujjatlari) nazorat natijalari asosida aniqlanadi.

4. Buyurtmachi loyihaviy hujjatlarni tasdiqlashdan oldin belgilangan tartibda barcha manfaatdor vakolatli organlar bilan kelishishi lozim.

5. Gaz taxlili uskunasi o'rnatilishini ta'minlash.

6. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Qurilish sohasiga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori 2019 yil 20 sentabrdagi 4464-sonli qaroriga muvofiq buyurtmach boshqa harajatlari tarkibiga qurilish qiymatidan 0,05% to'lovi "Shaffof qurilish" MAT hisobiga o'tkazilishi va SHNK 1.03.06-13 da «Davlat ekspertizasiga taqdim etiladigan shaharsozlik hujjatlarining

sifati uchun javobgarlik buyurtmachiga (dastlabki ma'lumotlarni loyihalashtirish jarayonida taqdim etilgan dastlabki ma'lumotlarning ishonchligi bo'yicha) va ishlab chiquvchiga (qabul qilingan loyiha qarorlari bo'yicha) yuklatiladi».

7. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 20 maydagi "Kapital qurilish sohasida buyurtmachi xizmati faoliyatini tubdan isloh qilish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorining 3-bob 7 p. 9,10,11,12 va 9-bob 4 ustunlarga muvofiq ekspertiza natijasida aniqlangan kamchiliklar va takliflarni bartaraf etilishi va sifatini nazorat qilish (boshlang'ich hujjatlarni to'g'riligini ta'minlashda) mas'uliyati Buyurtmachiga va qabul qilingan loyiha yechimlar, smeta me'yorlariga muvofiqligi mas'uliyati Loyiha muallifiga yuklatilgan.

## 7. Xulosalar.

6.1. Ekspertiza natijalarini hisobga olgan holda «Xorazm viloyati Yangiariq tuman XTBga qarashli 37-son maktab vorkauntini joriy ta'mirlash» loyihaning smeta qismi ekspertiza natijasida aniqlangan kamchiliklar va takliflar inobatga olgan holda, buyurtmachi qabul qilgan ish hajmi va qiymatni belgilovchi parametrlarning chegaraviy harajatlarga quyidagi texnik-iqtisodiy ko'rsatkichlarga muvofiqligini tasdiqlagan taqdirda ko'rib chiqqan holda tasdiqlash uchun tavsiya etiladi:

Ko'rsatkichlar nomlanishi	O'lchov birligi	Miqdori	
		Taqdim etilgan	Tavsiya etilgan
Qurilishning QQSsiz joriy narhi	ming.so'm	43 533,159	42 013,156
Qurilishning QQS bilan joriy narhi (15%)	ming.so'm	50 063,132	48 315,129
Buyurtmachi boshqa harajatlari (5%)	ming.so'm	1 878,378	1 812,793
Qurilishning QQS va buyurtmachi harajatlari bilan joriy narhi	ming.so'm	51 941,511	50 127,922

6.2. Ko'rsatilgan narh shartnoma tuzish uchun asos emas.

6.3. Vazirlar Mahkamasining 11.06.2003 yildagi 261-sonli, 31.01.2022 yildagi 46-sonli qarori va ShNK 4.01.16-09 ga muvofiq tanlov savdolarini o'tkazish uchun ob'ektning qiymati buyurtmachi tomonidan belgilanadi.

6.4. Buyurtmachi ekspertizaning kamchiliklar va takliflari bo'yicha tuzatilgan loyiha-smeta hujjatlarini bosh pudratchi tashkilotga o'tkazilishini ta'minlaydi.

**Bosh mutaxassis:** MATYAKUBOV SHIXNAZAR KURAMBAEVICH

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

№ LE63247241

**1. Loyihaning turi:** Pudrat shartnomasi

**2. Loyihaning nomi:** Xorazm viloyati Yangiariq tumani Shix bog'i mahallasida joylashgan 37-son maktab vorkauntini joriy ta'mirlash bo'yicha mazkur pudrat shartnomasi.

Loyihada Pudratchi " Region Standart Qurilish " MChJ va buyurtmachi Yangiariq tuman XTB, Yangiariq tumani Shix bog'i mahallasida joylashgan 37-son maktab vorkauntini joriy ta'mirlash bo'yicha umumiy summasi 48 100 000 so'mlik xizmat ko'rsatish, shuningdek joriy ta'mirlash ishlari 2022- yil 16-iyundan joriy ta'mirlash ishlari boshlanib 2022-yil 14-avgustga ob'ektni topshirish pudrat shartnomasida ko'rsatib o'tilgan, pudrat shartnomasining amal qilish muddati 31.12.2022 yil qilib belgilangan.

**3. Loyiha va ishlab chiquvchisi va kiritilgan haqida ma'lumot:** Loyiha Yangiariq tuman XTB tomonidan 2022 yil 14 iyunda ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

**Loyiha amaldagi qonun hujjatlari talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.**

Markaz bosh yuriskonsulti  
2022 yil 15 iyun.



X.Matkarimov

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

2022 йил «17» -» Июн

Янгириак шаҳарчаси

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Янгириак туман ХТБ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбар Ш.Аскарлова бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Регион Стандарт Курилиш» МЧЖ номидан Устав асосида иш кўрувчи Р.Юсупов иккинчи томондан, Хоразм вилояти Янгириак тумани Ших боғи маҳалласида жойлашган 37-сон мактаб ворқаунтини жорий таъмирлаш бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. ТАЪРИФЛАР

1.1 Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қулланилади;

- **ижро ҳужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги туғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қулланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги туғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши туғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови туғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;
- **қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади;
- **вакцинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вакцинчалик бинолар ва иншоотлар;
- **беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;
- **шартнома нарҳини бўлиб чиқиш** – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2.1 Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Хоразм вилояти Янгириак тумани Ших боғи маҳалласида жойлашган 37-сон мактаб ворқаунтини жорий таъмирлаш бўйича таъмирлаш ишлари учун кўзда тутилган лойиха бўйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3.1 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини уз ичига олган ҳолда жорий нарҳларда 48100000 (Қирк саккиз миллион бир юз минг) сўмни ташкил этади. ҚҚС –6273913.04 сўмни ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини қупайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;

- ишлар қиймати Буюртмачи томонидан узгартирилганда;  
- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга узгартирилганда.

3.3 Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нарҳларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4 Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- қурилиш майдони зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва саклашни таъминлайди;

- қурилиш майдони ҳудудида вакцинчалик иншоотлар қуриш;

- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили туғрисида хабардор қилиш;

- курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, утказилган даракларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари урнатиш;

- курилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

- курилиш майдони курикланишини таъминлаш;

- курилишда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тугрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини бюртмачига тақдим қилади.

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

4.2 Пудратчи мавжудлигини қафолатлаган узининг 20% га тенг булган ва унга хизмат курсатувчи банк тамонидан берилиши қафолатланган 20% айланма маблагларини мазкур шартномада қузда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

4.3 Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тулик ҳажмда тақдим қилади.

4.4 Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг уз қучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади;

5.2 Буюртмачи мазкур шартномада қузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулик мулкый жавоб беради.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

6.1 Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб қузга қиради.

6.2 Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ишларни бажаради.

6.3 Объектни **2022-йил 16-июндан** жорий таъмирлаш ишлари бошланиб **2022- йил 16-августга** фойдаланишга топширилиши белгиланади.

## VII. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

7.1 Шартнома бўйича узаро ҳисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» қилинади.

7.2 Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 % (фоизи) микдоридан аванс ўтказиши, бу **14430000** (Ўн тўрт миллион тўрт юз ўттиз минг) сўмни ташкил этади.

7.3 Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан мақсадли берилган маблаглар уч банк қунида молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади.

7.4 Буюртмачи томонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган холда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.

7.5 Пудратчининг ҳисоб рақамига тушадиган маблаглар ушбу объект курилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект курилишига зарур булган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тулаш, объект курилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тулаш учун ва Ушбу объект курилишининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.

7.6 Пудратчи жорий молиялаштириш учун ҳисобот ойнанинг охири қунигача ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун курилиш монтаж ишлари микдори харажатлари тугрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тугрисидаги маълумотнома ҳисоб-варақ-фактурани» узи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган курилиш-монтаж ишларининг микдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

7.7 Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган курилиш-монтаж ишларини микдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тугрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варақ-фактура» асос булади.

7.8 Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини узидан саклайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йуқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

8.1 Буюртмачи курилиш майдонида уз вакилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2 Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3 Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан утказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо булувчи масалаларни хал қилиш буйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

8.4 Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5 Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.6 Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи уз кучлари билан ва курилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

8.7 Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олинishi, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у холда ишларни бажариш дафтаридан уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

## IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

9.1 Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида қелиб қикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага қелтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

9.2 Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан қуп вақтга қузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

9.3 Агар томонлар икки ой ичида қелиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## X. КАФОЛАТЛАР.

10.1 Пудратчи:

- барча ишларни тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха хужжатларига ҳамда курилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;
- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% микдорида жарима солиш ҳуқуқига эга.

## XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

11.1 Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боглик булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан бир ойдан куп вақтга кечиктирилганда;
  - ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риюя этилмаганда;
  - Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

#### 11.2 Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боглик булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан икки ойдан ортик муддатга тухтатиб куйилганда;
  - Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
- конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

11.3 Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кушма карорига кура тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тулайди.

11.4 Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур булим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

11.5 Шартнома бекор килинган такдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

11.6 Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йул куйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

### **ХII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

12.1 «Пудратчи» ва «Буюртмачи» уртасида узаро шартнома имзолангандан сунг жорий таъмирлаш ишларини бажарадиган бино ёки иншоат курилиш участкасини буюртмачидан далолатномага асосан кабул килиб олади. Курилиш майдони ёки участкаларда техник хавфсизлик коидаларига келишилган ишларни бажариш вақтида атроф мухитнинг тозалиги мехнат мухофазаси ёнгинни олдини олиш зарурий тадбирларни ишлаб чиқади ва бунга амал килади. «Пудратчи» мазкур шартномадаги барча ишларни уз кучлари билан бажарилиши хамда объектни фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун «Буюртмачи» олдидан тулик жавобгар. «Пудратчи» мазкур шартномада илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тулови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади. «Пудратчи» объектни фойдаланишга топширгунга кадар мазкур шарнома буйича объектга мулк хукукини узидан саклаб қолади. Объект «Буюртмачи»га топширилгунга кадар объектни тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи «Пудратчи»нинг зиммасида булади. «Пудратчи» узининг томонидан курилишда кулланиладиган курилиш материаллари асбоб ускуналар ва бутловчи буюмлар конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида курсатилган спецификацияларга Давлат стандартларига, техник стандартларига техник шартларга мувофик булиши хамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга булишини кафолатлайди. Агар «Пудратчи» келишилган ишларни белгиланган муддатларда тугата олмаса ишлар сифатсиз холда булган деб топилса «Пудратчи» уларни тугатишнинг кечикиши окибатида етказилган зарарни «Буюртмачи»га тулайди. «Пудратчи» бу шартномада курсатилган курилиш таъмирлаш ишларини кабул килиш комиссиясига лойиха хужжатлари асосида ишини сифатли бажарган холда топширади.

12.2 жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун ажратилган бино, иншоат, курилиш участкасини далолатномаси билан «Пудратчи»га топширади.

Курилиш ишларини бажарилиши устидан «Буюртмачи» вакиллари курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган. «Пудратчи» томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риюя этилишини назорат килиб боради. «Пудратчи»дан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлайди. Молиялаштириш жадвалига биноан аванс маблагги беради. Белгиланган ишларни якунланган деб топилиб комиссия оркали кабул килинганда молиялаштиришни амалга оширади. «Буюртмачи» курилиш майдонида уз вакилини техник аудиториини тайинлайди у «Буюртмачи»нинг номидан бажарилаётган сифати устидан техник назоратни амалга оширади. Шунингдек «Пудратчи» томонидан ишлатилладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофик текширади.

12.3 Агар бажарилган ишлар ёки курсатилган хизматлар сифати буйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) конун хужжатларида ёки хужжалик шартномасида белгиланган бошка мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи ишларни кабул килиш хамда уларнинг хакини тўлашни рад этиб, етказиб пудратчидан сифати, ассортиментини ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи микдоридан жарима ундириб олишга, ишлар ва хизматлар хаки тўлаб куйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб килишга хақлидир. Сифати, ассортиментини ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар етказиб берганлик учун жарима пудратчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг сифати, ассортиментини ва нави лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузилгандан кейин ўн кун ичида такдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган холда такдим этилган холларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

12.4 «Пудратчи» ишларни бажариш графигида курсатилган муддатларда курилиш ишларини тугатмаган такдирда «Буюртмачи»га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар бахосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни ишларни бажармаслик ёки хизматларни курсатмаслик окибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.



12.5 «Буюртмачи» шартноманинг 2-кисмида кўрсатилган муддатларда бажарилган ишлар хакини ўз вақтида тўламаган тақдирда «Пудратчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

12.6 Шартномада бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса, хужалик шартномаларни бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун «Хужалик юртурувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонунинг 25-32 моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

### XIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

13.1 Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан қелишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат қилишлари мумкин.

### XIV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

14.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро қелишувлари ўз қучини йукотади.

14.2 Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

14.3 Мазкур шартномага киритилган барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

14.4 Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан қелиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

14.5 Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

14.6 Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги қелишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига К.К.С. тугрисида узгартиришлар киритилса қайта қуриб чиқилади.

14.7 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

14.8 Мазкур шартнома томонлар имзолаган қундан бошлаб қучга қиради ва барча қузда тутилган шартнома шартлари тулалигича бажарилгунга қадар амал қилади.

14.9 Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

14.10 Ушбу шартнома 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

### XV. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

15.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши қураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифода қилади ва қарантилла қилади.

15.2. «Пудратчи» «Буюртмачи»га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қарантилла қилади ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), «Буюртмачи» манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, «Пудратчи» нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

### XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

Пудратчи:

«Регион Стандарт Қурилиш» МЧЖ

Адрес: Хонка тумани Ширин маҳалласи

46-уй Тел: 94-230-3030

Х/Р: 2020 8000 2002 5291 6001

Иин: 302696880

ИФУТ: 25120 МФО: 00553

Банк: Кишлоқ қурилиш банк Хонка филиали

Буюртмачи:

Янгиерик туман ХТБ

Адрес: Навоий куча 39-уй

Тел: 62-38-56-150

Х/Р: 401722860332337092100075016

Иин: 200212331 МФО: 00014

Банк: Марказий банк Тошкент шаҳар

ОҚОНХ: 97600

Раҳбар:

Р.Юсупов

Раҳбар:

Ш.Аскарова

